

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ДОСТОНИДАГИ НАЪТЛАР БАДИИЯТИ

Файзулла Машрабович ИСКАНДАРОВ

Таянч докторант

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
Тошкент, Ўзбекистон

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ ГЛАВ, ВОСХВАЛЯЮЩИХ ПРОРОКА, В ПОЭМЕ «СМЯТЕНИЕ ПРАВЕДНЫХ» АЛИШЕРА НАВОИ

Файзулла Машрабович ИСКАНДАРОВ

Базовый докторант

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои, Ташкент, Узбекистан

ARTISTIC FEATURES OF SOME CHAPTERS PRAISING THE PROPHET IN THE POEM "CONFUSION OF THE RIGHTEOUS" BY ALISHER NAVOI

Faizulla Mashrabich ISKANDAROV

Doctoral student (PhD)

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 821.512.133

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Искандаров Ф. М. Алишер Навоийнинг
«Ҳайрат ул-аброр» достонидаги
наътлар бадиияти //Ўзбекистонда хорижий
тиллар. — 2020. — № 6 (35). — Б. 41–56.

<https://doi.org/10.36078/1615267258>

Received: November 29, 2020

Accepted: December 27, 2020

Published: January 20, 2021

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада навоийшуносликда кам ўрганилган «Хамса» достонларидаги наътларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари «Ҳайрат ул-аброр» достони мисолида ўрганилади. Муаллиф асосий эътиборни «Аввалги наът»га қаратади. Дастлаб, наътлар мазмунига кўра, васф ва меърож мавзусидаги наътлар сифатида кўриб чиқилади. Уларнинг луғавий ҳамда истилоҳий маънолари тавсифланади, китобатчиликдаги ўрни кенг ёритилади. Шунингдек, ушбу бобларни ўрганиш ижодкорларнинг фалсафий, адабий-эстетик, диний-тасаввуфий қарашларини, комил инсон ва комиллик ғояларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги байтлар таҳлили мисолида аниқланади. Алишер Навоийнинг поэтик маҳорати, ушбу наът бобда қўлланган шеърий санъатлар — талмех, китобот, лутф, ийҳом асосида таҳлил қилинади. Дур, садаф, нур ва соя каби бобда қўлланган асосий поэтик образлар, бадий-тасвирий воситаларнинг шоир ижодий ниятини очишдаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилади. Шоирнинг диний-тасаввуфий қарашлари Куръони карим оятлари ва пайғамбаримиз ҳадислари асосида далилланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалом суръат ва сийратида, хусну хулқидаги комил инсон қиёфаси кўрсатиб берилади.

Калит сўзлари: пайғамбар; наът; комиллик; комил инсон; поэтик маҳорат; васф; меърож; тасаввуф; нур ва соя.

Аннотация. В статье исследуются идейно-художественные особенности некоторых глав, восхваляющих пророка, малоизученных в навоиведении, на примере поэмы «Смятение праведных». Основное внимание автор уделяет первоначальному восхвалению — «Аввалги наът». Главы, восхваляющие пророка, по своему содержанию рассматриваются как восхваление пророка и прославление ночи мерож — вознесения пророка на небо. Описываются их лингвистические, в том числе и терминологические, значения, обозначается их роль в создании книг. Также на примере анализа бейтов (двустушия) выясняется, что исследование проанализированных глав имеет важное значение для изучения философских, литературно-эстетических, религиозно-суфийских воззрений Навои, его взглядов об идеях совершенного человека и совершенства. Поэтическое мастерство Алишера Навои анализируется на основе поэтических фигур, таких как талмех, китабат, лютф, ийхом, использованных в рассматриваемых восхвалениях. Исследуются роль и значение в раскрытии творческого замысла поэта основных поэтических образов, использованных в главе, таких как жемчуг, свет и тень, художественно-изобразительных средств. Религиозно-суфийские взгляды поэта доказываются на основе аятов Священного Корана и хадисов пророка. В образе пророка Мухаммада показан его безупречный характер.

Ключевые слова: пророк; восхваление пророка; совершенство; совершенный человек; поэтическое мастерство; характер; наследственность; мерож (вознесение на небо); суфизм; сияние; тень.

Abstract. The article examines the ideological and artistic features of some chapters praising the prophet in the poem "Hamsa", in particular, the poem "Confusion of the Righteous". The author pays attention to the initial praise – "Avvalgi naat". The chapters admiring the prophet in their content are considered as praising the prophet and the night of Merozh – the ascension of the prophe to heaven. Their linguistic and terminological meanings are described, and their role in the creation of books is widely covered. According to the author, the study of these chapters, on the example of the analysis of bates (couplet), is important to observe the philosophical, literary-aesthetic, religious-Sufi views of Navoi, his views towards the ideas of the perfect man and perfection.

The poetic skill of Alisher Navoi is analyzed on the basis of poetic figures, such as talmeh, kitabat, lutf, iykhom, used in the context of praising. To reveal the creative potential of the poet, the author examines the role and significance of the main poetic images, artistic and visual means used in the chapter, such as pearls, light and shadow. The poet's religious and Sufi views are proved on the basis of the verses of the Holy Koran and the hadiths of the Prophet. In the image of the Prophet Mukhammad (peace and blessings of Allaah be upon him), his impeccable character has been shown.

Keywords: prophet; praise of the prophet; perfection; perfect man; poetic skill; character; heredity; merozh (ascension to heaven); Sufism; radiance; shadow.

Кириш. Истиклолга кадар Алишер Навоий асарлари давр мафкурасига мослаб — кўп қисқартиришлар билан нашр қилинди, ўрганилди, таҳлил ва талқин этилди. Айниқса, шоир эътиқоди ва дунёқараши билан боғлиқ ҳамд, наът ва исломга оид боблар умуман

ўрганилмади, уларга илмий ёндашувлар бўлмади. Асарлари асосини ислом аҳкомлари — Қуръони карим, Ҳадиси шариф, ислом маънавияти ва фалсафаси, тасаввуф таълимоти, нақшбандия тариқатининг ғоялари ташкил этган ижодкор асарлари бу масалалардан йироқлаштириб ўрганилди. Истиқлол йиллари олимларимизнинг илмий ишларида ушбу масала, жумладан, шоирнинг лирик асарлари, хусусан, ғазал ва қасидалар асосида ўрганила бошланди. Охириги йиллардаги навоийшунос олимларимизнинг Навоий ижодини тасаввуф таълимотига боғлаб ўрганишлари — янгича ёндашув, таҳлил ва талқинлар шоир ижодининг мазмун-моҳиятини тушунишда, шеърларининг зулмаънайнлик хусусиятларини очишда очишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Навоий ижодининг чўққиси — “Хамса” достонида шоир бутун умри давомида интиланган, ҳаётининг мазмун-моҳиятига айланган мақсадларини, эзгу интилишлари, орзу-истакларини, “ушоқ” шеърларига сиғмаган ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва адабий-бадиий қарашларини эпик планда тасвирлайди. “Ҳайрат ул-аброр” достони “Хамса”га муайян дастур бўлиш билан бирга шоирнинг ижтимоий-сиёсий, дидактик ва фалсафий қарашларини ўзида ифода этса, “Фарҳод ва Ширин”да комил инсон, “Лайли ва Мажнун”да ишқ, “Сабъаи сайёр”да ошиқлик ва шохлик, “Садди Искандарий”да эса, одил шоҳ ва мукаммал жамият ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Навоий ижодида шундай масалалар борки, уларсиз шоир ижодини ўрганиш, тушуниш асло мумкин эмас. Ана шулардан бири — комиллик масаласидир. Шоир ижодини ўқиб-ўрганар эканмиз, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод, “Садди Искандарий”да Искандар образлари шу эҳтиёж ўлароқ дунёга келганлигига амин бўламиз. Шу ерда ҳақли савол туғилади: Алишер Навоий идеалида комил инсонлар бўлганми? Улар кимлар?

Бу саволга жавоб топиш учун шоирнинг комил инсон ва комиллик ҳақидаги қарашларини ўрганишда муҳим ўрин тутган, достоннинг кириш бобларидан ўрин тутган наътларга мурожаат қиламиз.

Ушбу наътлар, бир томондан, Шарқ китоботчилигида ўзгармас анъанавий — муқаддима боблар сифатида ўрин тутса, иккинчи томондан, ижодкорнинг янги-янги маърифий ғоялари, фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганишда муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, боблар асарнинг умумий мазмунидан ажралиб қолмайди, аксинча, унинг мазмунига уйғунлашади. Хамсачилик анъанасига кўра, наътлар “Хамса” достонларидан ҳар бирининг кириш қисмида алоҳида анъанавий боблар сифатида ҳамд ва муножатлардан сўнг ўрин олган.

“Мақташ”, “баҳо бериш”, “сифатлаш” (3, 444), маъноларини англатган *наът* — истилоҳ сифатида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни васф қилиш, яхши сифатлар билан улуғлашдир. Ижодкорлар учун туганмас илҳом манбаи бўлган пайғамбаримиз сифатлари, шаклу шамойили, хусну хулқи, ислом дини тарғиби йўлида кўрсатган жасоратлари ва айниқса, меърож воқеаси чексиз хазинадир. Шунинг учун ижодкорлар бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилаверади. Дастлаб арабларда пайдо бўлган наът битиш анъанаси араб адабиётидан форсий адабиётга, ундан туркий адабиётга ўтди. Девонларнинг кириш қисмида ҳамд ва муножатлардан сўнг ўрин олган — наът мазмунан *васф* ва *меърож* наътларга бўлинади.

Васф наътларда, асосан, пайғамбаримизнинг ҳаёти, инсоний қиёфаси ва фазилатлари, пайғамбарлик сифатлари ва мўъжизалари,

пайғамбарлик фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, ҳадис, у зотнинг бошқа амаллари — барча-барчаси адоқсиз муҳаббат билан таъриф тавсиф этилган, инсониятга ибрат қилиб кўрсатилган. Шу боис бадиий жиҳатдан мукамал бу васфларнинг тарбиявий қиммати бекиёс.

Қуръони каримнинг “Шарҳ” сураси тўртинчи оятида бевосита пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га қарата хитоб қилиниб: “Ва Биз сизнинг зикрингизни (яъни мартабангизни) баланд қилиб кўйдик”, — дейилади. Алоуддин Мансур ушбу оятни тафсир қилар экан, шундай изоҳ беради: “Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин-мусулмон қаерда Оллоҳ таолонинг номини ёд этса, У зотни улуғласа, албатта, У зот билан бирга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг номларини ҳам зикр қилиб, у кишига саловат ва салом айтадики, бу мартабайи олия пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан ўзга ҳеч кимга насиб қилган эмас” (19, 366).

Наътларнинг иккинчи туркуми — меърож мавзуси — меърож воқеаси тавсифига, унинг бадиий талқинига бағишланган. Наътларда Расулulloҳга муҳаббат турли шаклу шамойилда намоён бўлаверади. Айниқса, Меърож мўъжизалари тасвирига бағишланган, мерожнома деб аташ мумкин бўлган боблар “...тасаввуф аҳли учун Ҳаққа ёвуқлашиш, Оллоҳ билан мулоқотда бўлиш, Оллоҳнинг буюк инъом ва марҳаматига сазовор бўлишдир. Фанолик ва бақоликка етишишнинг энг ҳақиқий ва намунавий кўринишидир...” (14, 200). “Меърож” тасаввуф луғатларида руҳнинг юксалиши ва маънавий йўлчилик (йўловчилик), деб талқин этилади. Бутун орзу-истаги, умрининг мазмунини Оллоҳ васлига эришиш деб билган сўфий учун Меърож жуда катта руҳий-маънавий озик, қувватдир. Айнан шу сабабли ҳам Навоий “Хамса”сининг меърож мавзусидаги бобларида сўфиёна руҳнинг устунлиги сезилиб туради, зеро Меърож кечаси ҳақидаги тасавурлар ижод аҳли учун алоҳида илҳом манбаидир.

Шунинг учун ҳам мазмунан қасида, ғазал, рубоий, мурабба, мусаммат, мустазод, китъа, туюқ каби жанрларга мослаша оладиган мавзу бўлган наът — шоир ижодий лабораториясига кириш ва уни ўрганишда, адабий-эстетик, диний-фалсафий, ахлоқий-таълимий, тасаввуфий ҳамда комиллик ва комил инсон ҳақидаги қарашларини ифодалашда муҳим восита ҳисобланади ва ушбу наът боблар “биринчи навбатда, ҳар бир дoston ёхуд ҳикоятнинг туб моҳиятини тўғри тушунишга йўл очса, иккинчи томондан, шоир фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларининг муҳим қирраларини тўғри белгилашга ёрдам беради” (7, 66).

Асосий қисм. “... Чиғатой адабиётининг энг юқори поғонасига кўтарилган Алишер Навоий ўзининг барча девон ва маснавийлари ҳамда насрий асарларидаги кўплаб наътлар билан наът шоири унвонига лойиқ шахс бўлганлиги диққатга сазавордир” деб ёзади туркиялик тадқиқотчи Эмине Энтареци (17, 31).

Навоий учун идеал инсон — комиллар комили пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дир. Бу зот инсониятни тўғри — ҳақ йўлга даъват этаркан, аввало, ўзи ўзгаларга намуна бўлди, ҳусну хулқдаги гўзаллиги, муомала одоби, дину диёнати, ҳадислари ва сурату сийрати билан барчани чин йўлга бошлади. Бундай зотларни улуғлаш, унинг васфини битиш бир томондан, китоб битиш, уни тартиблаш билан боғлиқ талаблар бўлса, иккинчи томондан, бу васфларни ёзиш жараёнида ижодкор ўзини, дунёни мукамалроқ англай бошлайди ва

бу ҳолатни бошдан кечирishi китобхонга ҳам етказолади. Адабиёт тарихида жуда кўплаб сабабларга кўра минглаб наътлар ёзилган. Ҳаммасидан мақсад — пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. шафоатига эришиш, бу орқали Аллоҳга итоатда бўлиб, унинг жамолига етишишдир.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонидан бешта наът боб ўрин олган. Ушбу наът боблар мавзу кўлами, композицион қурилиши, бадий жиҳати, шунингдек, бобларнинг миқдори (1-наът — 26 байт, 2- наът — 28 байт, 3- наът — 32 байт, 4-наът 34 — байт, 5-наът — 53 байт)га кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади, айти пайтда, бир-бирини мантикий тўлдириб боради. Мазмунан васф (1–4-наътлар) ва меърож (5-наът) мавзусига ажралган бу боблардан, бир томондан, пайғамбаримизнинг ислом динини жорий этиш йўлидаги буюк хизмати, пайғамбарлик сифатлари ва фаолиятига доир лавҳалар, у зотнинг комил хулқлари, фазилатлари, уларга юборилган мўъжизалар, хусусан, меърож кечаси тасвири кенг берилса, иккинчи томондан, шоирнинг Аллоҳ, олам ва одам ҳақидаги қарашлари Коинот сарвари Расулulloҳ ҳақидаги диний-сўфиёна анъанавий қарашлар, билим ва тасаввурлари билан уйғунлашиб кетганлигини кўраимиз.

Навоий мазкур достонининг беш бобини Расулulloҳнинг васфи ва уни мадҳ этишга бағишлар экан, ҳар бир наът боб муайян муддаони бадий тадқиқ этишга бағишланган. Шу маънода ҳар бир наът бобларнинг яратилиши, мавзу кўлами, ғоявий-бадий хусусиятлари ва достонда жойлаштирилиши ҳам ўз тузилиш тартибига эга. Гарчи наът боблар мавзу ва бадийлик жиҳатидан фарқ қилса-да, уларнинг барчасини Пайғамбаримизни улуглаш ва унинг нурли сиймоси инъикоси бирлаштириб туради. Жумладан, ижодкор комиллар комилига бағишланган наът бобларнинг биринчиси — “аввалги наът”да оламнинг яратилиши ҳақидаги фалсафий қарашларини баён этса, иккинчи бобда сарвари Коинотнинг болалик йиллари, ҳаётининг дастлабки давридаги яшаш тарзи ҳамда пайғамбарлик мақоми берилгунга қадар амалга оширган ишлари ва фаолияти бадий ифодасини тонган. Учинчи наътда пайғамбарлик даврининг дастлабки йиллари, у зот бошидан кечирган қийинчиликлар, ҳақиқат ва имон йўлида тортган азоб-уқубатларини тасвирланса, тўртинчи наът комиллар комилининг пайғамбарлик ва инсоний сифатлари мадҳига бағишланган, унинг ислом динини жорий этиш йўлидаги қизғин даври, ҳақиқатнинг ғалабаси ва дунёда адолатнинг ўрнатилиши васф этилган. Қалам аҳлининг илҳом манбаи бўлган Меърож кечаси ва у билан боғлиқ мўъжизавий ҳодисалар бешинчи наътда батафсил бадий талқин этилган.

“Ҳайрат ул-аброр”да шоир пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётини тарихий-биографик талқинда беш наът доирасида ҳикоялайди. Беш наът доирасидаги ҳар бир босқич комил одамга хос аниқ концепцияни илгари суришга хизмат қилади” (4, 78).

Ушбу мақолада достоннинг “Аввалги наът”идаги айти шу жиҳатларга эътибор қаратамиз.

“Аввалги наът”да Пайғамбаримиз нурлари — Нури Муҳаммадий ва Одам Атонинг дунёга келиш тарихи талқин этилади. Унда дунёнинг яратилиши ва унинг сабаблари, инсон зоти ва унинг бу дунёда яшайдан мақсади, унинг ўз моҳиятини англашга интилиши, бошқа махлуқотлар — яратиклар ичида ўзининг ўрни — мақомини билиш учун ҳамиша интилиб келганлигини кучли мушоҳада ва юксак

дид билан ифодалайди. Ушбу йигирма олти байтдан ташкил топган дастлабки наът бобда башарият тарихидаги жуда катта давр қисқа, аниқ ва лўнда ҳамда ишонарлибаён қилинган. Воқеа-ҳодисалар кетма-кет, далилларга таянган ҳолда келтирилган. Ушбу наът бобдаги воқеа-ҳодисаларни мазмун-моҳияти ҳамда замон ва макон нуқтаи назаридан қуйидагича гуруҳлаб ўрганиш мумкин:

1. Энг қадимги давр — бутун коинот, оламлар ва одам яратилгунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

2. Қадимги давр — Оламлар ва одамнинг яратилиши ҳамда ер юзида инсониятнинг кўпайишидан токи саодат асригача бўлган даврни ўз ичига олади.

3. Янги давр — пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг туғилишлари билан бошланган давр.

Алишер Навоий бобнинг илк байтларидаёқ ушбу бобда ёритилиши керак бўлган масалани аниқ кўрсатади:

*Эй қилибон ламъаи нурунғ зуҳур,
Андаки не соя бор эрди, не нур.
Нурунға тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳарне йўқ ондин бурун, ондин бурун.*

Навоий энг қадимги даврни тасвирлашга киришар экан, дастлабки байтларданок мураккаб мазмун билан алоқадор ташбехлар, сифатлашу ўхшатишлар асосида мисралар зиммасига катта-катта маъноларни юклайди. Биринчи байтда илоҳий нур — Пайғамбаримиз нурлари ҳақида хабар берар экан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурлари Аллоҳнинг ўзидан ўзга ҳеч нарса бўлмаган, оламлар яратилмасдан бурун мавжуд эканлигини таъкидлайди. “У пайтда нур — соя, маърифат — жаҳолат, яхши — ёмон, ер — осмон деган нарсалар “зуҳур” қилмаган, юзага чикмаган, буларнинг барчаси Оллоҳнинг ўзида пинҳон эди. Холиқнинг илк яратиғи Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурлари бўлиб, у ўзида маърифат уммонини мужассам этганди” (4, 79). *Тазоддан ўз ўрнида усталик билан фойдаланган шоир айни шу байтлардаги нур ва соя тимсоллари зиммасига мисралар маъносини очишда калит вазифасини юклайди. Шубҳасиз, бу тасвирларни ўқиган киши Навоий тафаккурининг кенглиги, диний-фалсафий қарашлари ниҳоятда кучли эканлигига амин бўлади. Нури Муҳаммадий — дунё асоси. Шоир ушбу қарашларини хазм қилолмаган инсонларга қарата шундай дейди:*

*Кимки мунга даъвийи ҳужжат этар,
“Кунту набийян” анга ҳужжат етар.*

Навбатдаги байтда эса манзарани аниқ тимсоллар воситасида аниқ ўхшатишлар билан тасвирлайди:

*Зовияи жисмға ҳар зотдин,
Рух ёқиб шамъ бу мишкотдин.
Топти азал субҳи чу базминг чароғ,
Не тонг агар ёруса юз минг чароғ.*

Ушбу байтдаги поэтик тимсоллар “ҳад-худуд билмайдиган илоҳий нур — мишкотга, осмон гумбази эса кандил — шам қўйиладиган тоқчага нисбат берилаётир” (6, 67). Яъни, барча жисмларнинг асоси бўлган рух ҳаёт шамъи (Муҳаммад нури. — **Ф.И**)ни ёқди. Азал субҳи базминг чироғини қўлга киритганда юз минглаб чироқлар чарақлаб кетган бўлса ажабмас.

Бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ислом динига эътиқод қилиб, унинг ривожини, фарзу аҳкомларининг кенг ёйилиши ҳамда

инсонларнинг калбидан осон жой олиши йўлида фидокорлик кўрсатган бўлса, Каломуллоҳнинг кироати, тафсирига катта эътибор қаратди. Пайғамбарнинг халқ-атворига мувофиқ яшаган ҳазрат ижодининг асосини, шаксиз, ислом фалсафаси ва ислом маданияти, маънолар уммони — Куръони карим ва Ҳадислар ташкил этади. Исломий ақидага ва Алишер Навоийнинг қатъий ишончига кўра, дастлаб пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг нури яратилган. Мана шу нур сабаб олам ва одам яратилган.

*Бўлди санга Одам сатқатнамо,
Аввал ўгул, сўнгра гар бўлса ато.
Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандинга фарзанд ўлуб.*

Барча аҳли китоблар эътиқодига кўра, Одам Ато биринчи яратилган инсон. Шунинг учун у зот дунёдаги барча инсонларнинг отаси ҳисобланади. Байт мазмунига қайтадиган бўлсак, Одам Сафиюллоҳ яратилишидан олдин ҳам нур кўринишида Муҳаммад алайҳиссалом мавжуд бўлган (руҳоний маънода). Шунга кўра Одам Ато Муҳаммад с.а.в. га ҳам ўғил ҳам ота мақомидадир. Ана шу воқеага Навоийнинг ишончи қатъий, чунки Аллоҳ буюқдир. Нима хоҳласа, шуни амалга оширади. “...У бирон ишни қилмоқни истаса фақат унга “Бўл”, — дер. Бас (ўша иш) бўлур” (19, 273). Оятлари (Марям сураси, 35-оят) ҳамда «Қачон набий қилингансиз?» дедим. У зот : “Одам руҳ билан жасад ўртасида эканида”, дедилар» деган ҳадис (Аҳмад ва Термизий ривояти) ижодкор учун далил ҳужжат. Шоир фикрини давом эттирар экан, байтма-байт таъриф ва тавсиф кучайиб, бекиёс ташбеҳлар ёрдамида кучайиб бораётганини кўраимиз. Навбатдаги байтларда Навоий *ҳарф* санъатидан усталик билан фойдаланиб, ўз фикрини жуда чиройли далиллайди:

*Ўзга дадил истаса таъби сақим,
Басдур Одамда “алиф”, “дол”у “мим”.
Барчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф, атодин нишон.*

Одам сўзи араб алифбосида алиф — ا, дол — د ва мим — م ҳарфларидан иборат бўлиб, **Одам** — آدم тарзида ёзилади. Айни шу ҳарфлар эса **Аҳмад** — احمد исмида ҳам мавжуд. Аҳмад — Аллоҳга кўп ҳамд айтувчи маъносини англатган пайғамбаримизнинг номларидан биридир. Отадаги сифатлар биологик томондан ўғилда намоён бўлиши очик ҳақиқатдир. Аҳмад сўзидаги уч ҳарф алиф, дол ва мим Одам сўзида ҳам мавжуд яъни, отадан фарзандга ўтган нишондир. Шоир сўзларнинг ёзилишидаги шаклий ўхшашликдан ҳам маъно ахтаради. Бунда шоир *ийхом* ва *лутф* санъатларига таяниб, ўз мақсадига эришган.

*“Ҳо”и муҳаббат анга — ўқдур насиб,
Ким сени ҳақ деди ўзига ҳабиб.
Ҳар неки ҳақ важҳи аро мубҳам ул,
Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳамул.
Шоҳид этиб чехра бу кўзгу анга,
Ул не қилиб, кўргузубон бу анга.*

Ёлғиз “ҳо” — ҳарфи зиммасига катта маъно ташишни юклаган шоир, бу орқали кўпгина мақсадларни кўзлайди. Пайғамбаримизнинг “Ҳабибуллоҳ — Аллоҳнинг дўсти” исмига ишора қилиш билан бирга *ҳақ*, *ҳабиб* ва *муҳаббат* сўзларидаги “ҳо” билан Аллоҳни эсга солмоқда. Яъни, ким сени ҳақ деса ўзига ҳабиб, дўстдир. Ҳақдаги

яширин ҳар нарса борки, ёлғиз ҳабибида зоҳир этган. Бу гўёки, кўзгуга тутган нарсани уни акс эттириши кабидур.

Ушбу байт мазмунидан маълум бўладики, Аллоҳ таоло барча махлуқотлардан олдин соф нурдан “Муҳаммад ҳақиқати”ни пайдо қилди. Кейин ундан барча оламларни ажратиб олди. Кейин Аллоҳ таоло унга пайғамбарлигининг илгаридан тайин қилиб қўйилганини билдирди ва унга рисолатининг буюклиги башоратини берди. Буларнинг бари бўлган пайтда Одам ҳали йўқ эди. Сўнг ундан руҳларнинг булоқлари зоҳир бўлди. Шундай қилиб, у юқори тўпда асл бўлиб, барча оламларда сизиб, зоҳир бўлди” (13, 81).

*Айлади чун одами хоки зухур,
Солди анга партавин ул пок ҳур.
Нур дема, бориқаи сармадий
Бориқа йўқ, шаъшаи Аҳмадий.
Бўлди чу Одамда бу партав ниҳон,
Анда ниҳон, лек юзида аён.
Эгнига ёпилда давожи шараф,
Килди макон бошига тожи шараф.
Тахти рисолат уза шоҳ ўлди ул,
Хайли малойикка паноҳ ўлди ул.*

Юқоридаги мисралар билан бобнинг инсоният тарихидаги “қадимий давр” — Одам атонинг яратилиши ва у боғлиқ жараёнлар тасвири бошланади.

Мўмин-мусулмон одам дастлабки инсон — Одам тупроқдан яратилганига ва у билан унинг жуфтидан бошқа одамлар тарқалганига жазм ила иймон келтирмоғи шарт. Аллоҳ таоло “Ҳижр” сураси йигирма олтинчи оятида: “Батаҳқиқ, Биз инсонни курук лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан яратдик”, деган бўлса, “Роҳман” сураси ўн тўртинчи оятида: “Инсонни сополга ўхшаш куриган лойдан яратди”, деган (15, 531).

“Инсонни” деганда, Одам Ато назарда тутилган ушбу оятларда инсон аслида тупроқдан қорилган лойдан яратилганига далил келмоқда. Инсонни йўқдан бор қилган Зот тупроқдан лой қилиб, уни одам шаклига келтириб, сўнгра унга руҳ киритган. Ҳозирги замонавий тадқиқотлар ҳам Одам вужуди таркибидаги элементлар тупроқнинг таркиби билан бир хил эканлигини кўрсатди.

Одамнинг яратилиши билан боғлиқ ушбу тасвирларда *талмеҳдан* усталик билан фойдаланган ижодкор *ружужъ* орқали ўз мақсадини ифодалайди. Тупроқдан яратилган Одами хокийга ул пок нур (Нури Муҳаммадий. — **Ф.И**) ўз учқунини жойлаштирди. Ичида пинҳон бўлса-да, бу нур юзида ниҳон бўлди. Шу сабабданким, Одам эгнига шон-шараф либоси ёпилди, бошига шараф тожи кийгизилди. Яқунда У Аллоҳ элчиларининг шоҳи (бошловчиси) ва фаришталар гуруҳига паноҳ бўлди. Ушбу парчаларда “нур ва унинг талқини билан алоқадор жиҳатлар занжир халқалари сингари мисраларни бирлаштириб туради. Бобдаги мазмун ва уни рўёбга чиқаришда хизмат қилувчи бош манба вазифасини ҳам ўша нур бажаради” (6, 69).

*Истади Ҳавво била чун иттисол,
Айлади Ҳаввога бу нур интиқол.
Поку жамил айлади Ҳавво юзин,
Ўйлаки ҳақ партави ҳавро юзин.
Шисқа чун бўлди яна мунтақил,
Ойни қилур эрди юзи мунфашл.*

“Аён бўлаётирки, мазкур парчада ҳам нур билан алоқадор тасвир чизиғи давом этмоқда. Улуғ шоир Нури Муҳаммадий тажаллийсига тегишли муҳокама доирасини кенгайтди. Одам Ато ўз тақдирини Момо Ҳавво билан боғлагани учун ҳам ўзидаги илохий шуъла жилосини умр йўлдоши ила баҳам кўради. Шеъринг сатрларда диний ривоятлар, фавкуллода ташбех ва санъатлар қалашиб келади. Уларнинг барчаси Одам Ато тақдири ва бобнинг бош очкичи — нурга боғланиб келади” (6, 71). Навоий айнан шу нур орқали китобхонни одамиятнинг ибтидосига бошлайди. Момо Ҳавво яратилгач, Одам ато унга интилди, унга етишишни ихтиёр этди ва нур Одамдан Ҳаввога ўтди. Момо Ҳавво юзини поклаган нур гўёки, уни Аллоҳнинг нури хурларнинг юзидек чиройли қилди. Улар бир қанча фарзандлар кўрди. Орадан бир қанча воқеалар, анча йиллар ўтгандан сўнг, бу нур Шис алайҳиссаломда намоён бўлди.

“Қобилдан кейин бир юз ўттиз йил ўтгач, Шис туғилди. Шис сарбоний тилида “Ҳибатуллоҳ” деганидир, яъни тангрининг туҳфаси. Оллоҳ “Ҳобилни олдим, унинг ўрнига Шисни бердим”, деди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури Одам манглайдан Ҳаввонинг раҳмига берди. Шис туғилгач, у нур Шиснинг манглайига келди. Одам Шисни ғоят яхши кўрарди. Хитоб келди: “Эй Шис, бу нур энг суюкли дўстим Муҳаммад мустафонинг нуридир. Фарзандларингга васият қилгинки, улар ўз жуфтларини никоҳ бирла олсинлар, севги билан қовушмасинлар!” (12, 33).

Сийратшунос олимларнинг фикрича, пайғамбаримиз билан Одам алайҳиссалом орасида тахминан 500 нафар ота-бобо ўтган. Аллоҳ таоло сарвари коинотнинг насабини Одамдан токи Абдуллоҳгача ер юзидаги энг улуғ қавмлар қаторида қилди. Насабини тоза, эътиқодини пок сақлаб, ўз даврининг ҳалол, тўғрисўз, адолатли, ор-номусли, жасур ва донишманд ҳаким ажодларга авлод қилди. “Албатта, Аллоҳ халойиқни халқ қилганда, мени уларнинг энг яхшиларидан қилди. Энг яхши фирқалардан қилди. Икки фирқанинг яхшисидан қилди. Сўнгра қабилаларни танлади ва мени энг яхши қабиладан қилди. Кейин хонадонларни танлади ва мени энг яхши хонадонлардан қилди. Бас, мен нафс жиҳатидан ҳам, хонадон жиҳатидан ҳам уларнинг энг яхшисиман” (16, 11). Бундан кўринадики, Аллоҳ ўз расулини ҳар томонлама комил бўлмоғини таъминлади. Ислом тарихининг билимдони — Навоий бизни *талмеҳ* воситасида хаёлан қадим тарихий воқеаларни гувоҳи бўлишга чорлайди, чиройли сифатлару тавсифлар орқали кучли мушоҳадага ундайди.

Шу тариқа Шис алайҳиссалом ҳам нур сабабидан шарафли бўлди, юзи ойдек чароғон бўлди. Аллах бу нурни ўз хикмати билан пок сақлади ва наслдан-наслга соф етиб боришини ихтиёр этди. Одамдан то Абдуллоҳгача пок сақлади.

*То атодин ато, анодин ано,
Бир ано ким йўқ эди андоқ ано.
Бўлди рисолат дурининг махзани,
Балки нубувват гулининг гулшани.
Эмдики рафъ этти юзидин никоҳ,
Туғмади андоқ яна бир офтоб.*

Юқоридаги байтлар билан шоир аста-секин китобхонни “янги давр”га бошлаб келди. Отадан оталар, онадан оналар дунёга келди. Бир садаф кетса, ўрнига бошқа гавҳар келди. Бир она борки, ундан бошқа она йўқ дунёда. Яъниким, пайғамбаримиздан олдин неча минглаб

расуллар, пайғамбарлар ўтган. Пайғамбаримиз уларнинг сўнггиси эди. Омина онамиз ҳам киёматга қадар сўнгги пайғамбарни дунёга келтирган она бўлиб қоладилар.

Ушбу бобнинг яна бир хусусияти шундаки, ундаги ҳар бир байтни комиллар комилига тегишли лавҳалар бирлаштириб туради.

Хулоса. Буюк немис файласуфи Ёханн Волфганг Гёте: “Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган барча салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан... Биз Европа миллатлари, маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад алайҳиссалом сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқорироққа ўта олмайди”, деб ёзган эди. Бернард Шоу эса: “Агар Муҳаммад алайҳиссаломдек бир одам ҳозирги дунёни бошқарганида эди, бу дунёнинг мушкулликларини ҳал қилишга муваффақ бўларди, бу эса ўз навбатида, ҳозирги дунёга етишмаётган хотиржамлик ва саодатни олиб келарди”, — дейди.

Ғарб кишилари пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарихларини, сийратларини, ҳаёт йўлларини яхши ўрганганликлари боис мана шундай хулосаларга келганлар. Шундан келиб чиқиб, биз суюкли Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаёт йўлларини барчадан яхшироқ билишимиз, барча нарсада у зотга эргашишимиз лозим бўлади, чунки комиллик сари интилаётган киши учун ўрнак бўлишга энг лойиқ ва ҳақли зот комиллар комили, сарвари коинот — пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. Танланган асарлар. — Тошкент, 1978. — 360 б.
2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул аброр. — Тошкент, 2006. — 389 б.
3. Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати. — Тошкент, 1983. 2 жилд, — 644 б.
4. Алишер Навоий ва XXI аср. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. — Тошкент, 2020. — 627 б.
5. Бобур. Бобурнома. — Тошкент: Юлдузча, 1989. — 368 б.
6. Воҳидов Р. Навоий ва илоҳият. — Бухоро, 1994. — 112 б.
7. Исмоилов И. Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonининг қиёсий таҳлили. Phd диссертацияси. — Тошкент, 2019. — 144 б.
8. Каримов И. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Тошкент, 2008. — 174 б.
9. Комилов Н. Хизр чашмаси. — Тошкент, 2005. — 318 б.
10. Комилов Н. Тасаввуф. — Тошкент, 2005. — 447 б.
11. Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги. — Тошкент, 2019. — 208 б.
12. Носриддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. — Тошкент, 1991. — 240 б.
13. Саййид Жаъфар ибн Ҳасан Барзанжий. Мавлид. — Тошкент, 2015. — 334 б.
14. Сулейман Улуғдоғ. Тасаввуф терминлари сўзлуги. — Истанбул, 1995. 702 б.
15. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. 6 жилд. — Тошкент, 2012. — 604 б.

16. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 19 жилд. — Тошкент, 2011. — 584 б.
17. Emine Yeniterzi. *Divan şeriinde na't. Doktora tezi.* — Konyu. 1989. — 904 б.
18. Ҳусайн Бойқаро. *Рисола.* — Тошкент, 1994. — 156 б.
19. Қуръони Карим. *Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.* — Тошкент, 1992. — 544 б.

References

1. Abduraxmon Zhomii. *Tanlangan asarlar* (Selected works), Toshkent, 1978, 360 p.
2. Alisher Navoi. *Hairat ul abror*, Toshkent, 2006, 389 p.
3. *Alisher Navoi asarlari izohli lugati* (Explanatory Dictionary of works of Alisher Navoi), 2 vol, Toshkent, 1983, 644 p.
4. *Alisher Navoi va XXI asr. Respublika ilmi-nazariy anzhuman materiallari* (Alisher Navoi and XXI century. Materials of the Republican scientific and theoretical conference), Toshkent, 2020, 627 p.
5. Bobur. *Boburnoma*, Toshkent: Yulduzcha, 1989, 368 b.
6. Vohidov R. *Navoi va ilohiyat* (Navoi and divinity), Bukhoro, 1994, 112 p.
7. Ismoilov I. *Alisher Navoi "Saddi Iskandarii" dostonining kiesii tahlili. Phd dissertatsiyasi* (Comparative analysis of the epic Saddi Iskandari by Alisher Navoi), Phd dissertation, Toshkent, 2019, 144 p.
8. Karimov I. *Yuksak ma"naviyat – engilmas kuch* (High spirituality is an invincible force) Toshkent, 2008, 174 p.
9. Komilov N. *Khizr chashmasi*, Toshkent, 2005, 318 p.
10. Komilov N. *Tasavvuf*, Toshkent, 2005, 447 p.
11. Mullakhuzhaeva K. *Alisher Navoi gazalietida tasavvufi timsol va badiii san"atlar uigunligi* (Alisher Navoi gazaliyati is a combination of mystical symbols and artistic arts), Toshkent, 2019, 208 p.
12. Nosriddin Rabguzii. *Kissasi Rabguzii*, Toshkent, 1991, 240 p.
13. Saiiid Zha"far ibn Hasan Barzanzhii. *Mavlid*, Toshkent, 2015, 334 p.
14. Suleiman Ulugdoғ. *Tasavvuf terminlari suzlugi* Istanbul, 1995, 702 p.
15. Shaikh Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. *Tafsiri hilol*. 6 zchild. — Toshkent, 2012, 604 p.
16. Shaikh Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. *Hadis va Haet*. 19 zchild, Toshkent, 2011, 584 p.
17. Emine Yeniterzi. *Divan şeriinde na't* Doktora tezi, Konyu. 1989, 904 p.
18. Husain Boikaro. *Risola*, Toshkent, 1994, 156 p.
19. Kur"oni Karim. *Tarzhima va izohlar muallifi Alouddin Mansur* (Translation and comments by Alouddin Mansur), Toshkent, 1992, 544 p.